

Савол:

Рафъул ядайнинг ҳукми нима?

Жавоб:

Бисмиллаҳ вассолату вассаламу ала расулиллаҳ.

Намозда рафъул ядайн қилиш суннат. Унинг кайфияти ҳудди такбиратул ихромдаги каби икки қўлни кўтариш. Бунинг далили сахихул Бухорийда, сахих Муслимда келган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам такбиратул ихромда, рукуъга кетаётгандарида, рукуъдан туроётгандарида, уч ва тўрт ракъатли намозларда биринчи қаъдадан учинчи ракъатга туроётгандарида қўлларини кўтарар эдилар. Имом Бухорий ўзининг сахихида бу ҳадисларни келтиришга кифояланмасдан бу ҳақда алоҳида **«Рафъул ядайни фиссолати»** номли китобни ёзганлар ва унда бу амалнинг суннатлигини кенг баён қилганлар. Бу амалнинг суннатлиги 22 та сахобадан сахих ривоятлар билан ривоят қилинган.